

БИР СУЛОЛА ШАЖАРАСИ ҲАҚИДА

САНГИРОВА ДИЛОРОМ

Тарих фанлари номзоди, ГулДУ

Аннотация. Мазкур мақолада Бухоро хонлиги тарихида муҳим ўрин тутган Аштархонийлар сулоласи шажараси тарихи ҳақида мулоҳаза юритилади. Аждодлар ва авлодларни бирлаштириб турувчи шажара занжири – сулоланинг жамиятдаги мавқеи ва мартабасига хизмат қилганлиги кўрсатиб берилди. Мазкур шажара вакиллариининг 60 га яқин тарихий номлари аниқланиб, шажара жадвали тузилди.

Таянч сўз ва иборалар: Аштархонийлар, генеалогия, шажара, сулола, никоҳ муносабатлари, қариндошлик ришталари, насл, аждод, авлод, мансублик, пробанд.

Аннотация. В статье приводятся некоторые размышления о родословной династии Аштарханидов, занимавшей важное место в истории Бухарского ханства. Показано, что цепь родословной, объединяющая предков и потомков, служила высокому положению и авторитету династии. Выявлено около 60-х исторических имён представителей данной династии и составлена схема родословной.

Опорные слова и выражения: Аштарханиды, генеалогия, родословная, династия, брачные отношения, родственные узы, род (родовое происхождение), предок, потомок, принадлежность, пробанд.

Abstract: The article presents some reflections about the ancestry of the Ashtarkhanid dynasty, which occupied an important place in the history of the Bukhara khanate. The chain of ancestry uniting the ancestors and descendants served as high position and authority of the dynasty. Identified some 60 historical names of the representatives of the pedigree of this dynasty and charting genealogy.

Keywords and expressions: Ashtarkhanid, genealogy, pedigree, family, marriage, kinship, family (descent), ancestor, descendant, affiliation, proband.


Тарихий жараёнларни уларнинг бевосита иштирокчилари номи орқали ўрганиш ўтмиш саҳифаларини бойитиб, бир қанча масалаларга ойдинлик киритади. Бизга бу борада тарих фанининг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлган – генеалогик тадқиқотлар назарий жиҳатдан яқиндан ёрдам беради. Генеалогик тадқиқотларнинг энг муҳим объекти – маълум бир тарихий даврда мавжуд бўлган бирор шахс, оила ёки сулола шажарасини ўрганиш ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам ижтимоий турмушда аждодлар тарихи ва генетикасини ўрганиш муҳим саналмоқда. Аввало, никоҳ муносабатларини ўрнатишда (ирсий касалликларни аниқлаш, касалликнинг олдини олиш учун профилактикани кучайтириш), кишиларнинг касбий маҳоратини яхшилашда (генетик

жиҳатдан қобилятини аниқлашда) генеалогик маълумотлар қўл келади.

Шажара тузишда генеалогик тадқиқотларнинг икки усули мавжуд бўлиб, бири юқоридан пастга қараб тушувчи, яъни аждодларни авлодларга боғловчи йўналиш, иккинчиси эса пастдан юқорига кўтарилиб боровчи – авлодларни аждодларга боғловчи йўналишдир. Тадқиқот жараёнида ҳар икки усулдан фойдаланилди.

Аштархонийлар сулоласининг шажараси ҳақида шу даврни ёритиб берувчи энг ажойиб манба – Абдурахмон Давлат Толенинг “Абулфайзхон тарихи” асарига эътибор қаратиш жоиз. Асар генеалогик жиҳатдан энг қадим ва энг узун шажара келтирилганлиги билан қимматли бўлиб, унда ҳукмдор Абул-



Аштархонийлар шажарасини яратишга киришар эканмиз, оила ёки жамиятда эгалланган мақоми ва имтиёзларига кўра, сулола тарихида туб ўзгариш ясаган Ёрмухаммадни сулоланинг энг биринчи вакили- пробанди³ сифатида белгилаб оламиз.

Ёрмуҳаммад Астрахан рус хукмдорлари томонидан эгалланганидан сўнг Бухоро томонларга келиб, шайбонийхонлар билан қудандачилик ришталарини боғлайди. Бу ришта кейинчалик сулола ҳокимиятни қўлга киритиши учун занжир вазифасини ўтаган. Ёрмуҳаммаднинг тўрт ўғли бўлиб, улар: Жони Муҳаммад султон, Аббос султон, Турсун Муҳаммад султон, Пир Муҳаммад бўлган⁴. “Баҳр ул асрор” асарида Ёрмуҳаммаднинг олти ўғли ва икки қизи бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилган (Жони Муҳаммад, Аббос султон, Ойша султонхоним, Мунида хоним (уларнинг оналари Искандарнинг қизи Маъсума султонхоним), Муҳаммад султон, Раҳимкули султон (уларнинг оналари Хожа Мир Ҳайдарнинг уруғидан Шохбегим), Малик султон, Турсун Муҳаммад султон (уларнинг оналари кўнғирот уруғидан Шайх бегим)⁵. Ушбу маълумотлар Ёрмуҳаммаднинг фарзандлари қайси аёл никоҳидан туғилганлиги аниқлаб олиш имконини беради. Чунончи, оилада катта аёлнинг мавқеи юқори бўлиб, тўнғич фарзанднинг мулкка эгалик ҳуқуқи ҳам шу тартибларга кўра белгиланган.

Ёрмуҳаммаднинг тўнғич фарзанди Жони Муҳаммаднинг Бухоро зодогонларидан бири Искандархоннинг қизи Зухробегимга уйланиши билан маҳаллий зодагонлар орасида мавқеи кучайиб бориб, ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Жони Муҳаммаднинг тўрт ўғли бўлган: Динмуҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад⁶, Алим Муҳаммад⁷лар. Жони Муҳаммад ва Зухробегимдан туғилган фарзандларнинг дастлабки уч нафари Бухоро ҳукмдори мартабасига эришган.

Жони Муҳаммаднинг Ажаб хоним ва Аммахоним⁸ исмли қизлари бўлган. Ушбу номлар шахсий исм бўлмасдан эҳтимол,

1 Одам Ато ўғли Нух ўғли Ёфат ўғли Турк ўғли Илжаҳон ўғли Отсиз ўғли Муғулхон ўғли Урдухон ўғли Байдухон ўғли Қорахон ўғли Уғузхон ўғли Уғуз отахон ўғли Жамунхон ўғли Азурхон ўғли Бупайхон ўғли Гурхон ўғли Кўкхон ўғли Дабайкухон ўғли Жук Баҳодур ўғли Сулдуз баҳодур ўғли Юлдуз баҳодур ўғли Менгли баҳодур ўғли Суондж баҳодур ўғли Накуз баҳодур ўғли Тарнгу баҳодур ўғли Джалма баҳодур ўғли Тинигиз баҳодур ўғли Туноғ баҳодур ўғли Бука баҳодур ўғли Аланкува Жуин баҳодурнинг кизи Бука баҳодур ўғли Бузанжирхон ўғли Букахон ўғли Туминхон ўғли Кайдухон ўғли Бойсунғирхон ўғли Кайдулхон ўғли Туминхон ўғли Кубил ходжахон ўғли Партан баҳодур ўғли Бойсука ўғли Чингизхон ўғли Жўжихон ўғли Тўкай Темурхон ўғли Оз Темурхон ўғли Тўкай Темурхон ўғли Қутлуғ Темурхон ўғли Аҳмадхон ўғли Жувак Муҳаммадхон ўғли Бағлишдодхон ўғли Ёр Муҳаммадхон ўғли Жонихон ўғли Дин Муҳаммадхон ўғли Нодир Муҳаммадхон ўғли Субҳонқулихон ўғли Абўлфайзхон Баҳодурхон.

² Мухаммед Юсуф Мунши. Мукум-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. – Т.: Изд-во АН УЗССР, 1956; – С. 72–74.

³ Пробанд – генеологик таҳлилда шажара тузишда шажарани бошлаб берувчи шахс.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимдан Россия босқини даврига қадар. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 258.

⁵ Алексеев А. К. Политическая история.... – С. 111.

⁶ Мухаммед Юсуф Мунши. Мукум-ханская история... — С. 73.

⁷ Алексеев А.К. Политическая история... – С. 138.

⁸ Там же.

сарой аҳли ва ҳарамига хос бўлган тартибга кўра “қўшимча ном” бўлиши мумкин. Умуман олганда, мусулмон оламида аёлларни ўз номи билан аташ қабул қилинмаган, уларга “тахаллус” билан мурожаат этилган.

Жони Муҳаммаднинг тўнғич ўғли Динмуҳаммадхон мамлакатни бирлаштириш йўлида кўп сайъи ҳаракат қилган ва Хуросонга бостириб кирган эронликларга қарши курашда вафот этган. Динмуҳаммадхоннинг аёлларидан бири сайидлар хонадонидан бўлган имом Ризо авлоди етакчиси Мирзо Абу Толибнинг қизи Шахрибону бегим эди¹. Баъзи манбаларда бу аёлнинг номи Бону бегим деб ҳам келтирилади². Динмуҳаммадхоннинг икки ўғли Имомқули ва Надир Муҳаммад бўлиб, Надир Муҳаммад Шахрибону бегимнинг никоҳидан туғилган. Унинг Зубайда бону³ ва Шамсия бону⁴ исмли қизлари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

I. Боқи Муҳаммадхон

Боқи Муҳаммадхон Жони Муҳаммаднинг иккинчи ўғли бўлиб, 1600 йилнинг бошларида Бухоронинг сўнгги шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммадхонни тор-мор қилиб, давлат бошқарувини кўлга киритган⁵. У Бухорода Аштархонийлар сулоласининг биринчи расмий хони ҳисобланади⁶. Қисқа

вакт ҳукмронлик қилишига қарамай, мамлакатни мустаҳкамлаш йўлида кўп ишларни амалга оширган. Афсуски, бизга маълум бўлган манба ва адабиётларда Боқи Муҳаммадхоннинг ўғил ва қизлари ҳақида маълумотлар учрамади. Биргина маълумотда Вали Муҳаммадхон Бухоро тахтига келганида, Боқи Муҳаммаднинг икки ўғли Имомқули ва Нодир Муҳаммадларни Бухородан Балхга чиқариб юборганлиги⁷ ҳақида сўз боради. Боқи Муҳаммадхон касал бўлиб, 51 ёшида вафот этгач⁸, ундан кейинги фарзанд Вали Муҳаммад тахтга ўтирган.

II. Вали Муҳаммадхон

Жони Муҳаммаднинг учинчи ўғли Вали Муҳаммадхон бошқаруви даври (1606–1711) жуда зиддиятли кечган. 1601 йилда акаси Боқи Муҳаммадхон билан балхликларнинг сўровига кўра, Муҳаммад Иброҳим норозилигига қарши Балхга юриш бошлайди. Ака-укалар ғолиб бўлгач, Вали Муҳаммад Балхга ҳукмдор этиб тайинланади. 1605 йили Боқи Муҳаммадхон вафот этганидан кейин тахтни бошқариш учун Вали Муҳаммадхон Балхдан Бухорога келади. Вали Муҳаммадхон ўзидан олдин ҳокимиятга келган акаларига нисбатан ёш ҳамда маишат-параст бўлган. Эрон рассоми томонидан ишланган суратда ҳам унинг сийратини кўриш мумкин⁹. Ҳукмдор Эрон шоҳи шоҳ Аббос I билан яқин дипломатик алоқалар олиб борган¹⁰. Бошқа ҳукмдорлар сингари унинг аёллари ҳам бир қанча бўлган. Аёллари орасида Ойхоним исмли аёл унинг севимли аёли бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилган¹¹. Вали Муҳаммадхоннинг ўғилларидан факат Рустам

¹ Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история... – С. 98–99.

² Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии Мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 225.

³ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 201–204; Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература XVII–XVIII вв. (Письменные памятники). – Т.: Фан, 1985. – С. 101–110.

⁴ Бухарские поземельные акты XVI–XIX вв. // drevLit.ru/docs/central-asia/ Библиотека древних рукописей. – С. 30.

* Хонлик тахтига расман келган ҳукмдорлар номлари Рим рақами билан келтирилмоқда.

⁵ Жуманазар А. Вахшувор. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 58.

⁶ McChesney R.D. The “Reforms” of Baki Muhammad Khan Central Asiatic Journal. 1980. Vol. 24. № 1–2, Burton J.A. Who Were the First Ashtarkhanid Rules of Bukhara? Bulltin of School of Oriental and African studies. Vol. LI. Pt. 3. – L., 1988.

⁷ История таджикского народа. Позднее средневековье и новое время (XVI – 1917). Том IV. – Душанбе: Дониш, 2010. – С. 161.

⁸ Таворих ал кибор. Россия ФА Санкт–Петербург Шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ қўлғамалар маркази фонди. № С 464 574agdd № 113, 76–78 вв.

⁹ http://commons.wikimedia.org/wiki/File:Shah_Abbas_I_and_Vali_Muhammad_Khan.jpg

¹⁰ Сангирова Д.Х. Исфохон расомчилик мактаби // Мозийдан садо, 2017, №2. – Б. 31–32.

¹¹ Алексеев А.К. Политическая история..... – С. 117.

султон¹ ва Муҳаммад Раҳим² султонларнинг номлари маълум. Ҳукмдорнинг Шох Аббос билан олиб борган дипломатик алоқалари амирлар ўртасида норозилик келтириб чиқарди. Вали Муҳаммадхон Эронга кетганидан кейин ўғли Рустам билан Эрон томондан туриб Туронга уруш уюштириб турган. 1611 йилда Имомқулихон билан урушда Вали Муҳаммадхон ҳалок бўлади. Унинг вафотидан кейин Эронга яқин ҳудудлар Кундуз ва Балх унинг авлодлари томонидан бошқарилган. Манбаларда 1711–1712 йилларда Балх ҳокими бўлган Вали Муҳаммадхоннинг эвараси Абдуллахон ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, у Рустам султон ёки Муҳаммад Раҳимнинг фарзанди бўлиши мумкин.

III. Имомқулихон

Динмуҳаммадхоннинг тўнғич ўғли Имомқулихоннинг ҳукмронлик (1611–1642) йиллари сиёсий жиҳатдан барқарор бўлиб, марказий ҳокимият мустаҳкам бўлган. Вали Муҳаммадхон билан бўлган курашда ғалаба қозониб, Бухоро тахтига келган Имомқулихон Вали Муҳаммадхоннинг севимли аёлига уйланган. Чегара сарҳадларида тинчликни сақлаш мақсадида қозоқ султони Эшим султоннинг қизи Ойхонимни никоҳига олиб, қариндошлик алоқаларини боғлаган.

Имомқулихоннинг замондоши бўлган Сухайл “Имомқулинома” асарида ҳукмдорлик (насаби)га эътибор қаратиб, Имомқули баҳодирхоннинг насаби Амир Темур насабига бориб боғланади, деб маълумот берган³. Тарихчи бу билан Имомқулихоннинг аштархоний ҳукмдорлар орасида энг кўп ҳукм сурганини ва амир Темур давридаги каби ободончилик ишларини амалга оширганлини таъкидлашга ҳаракат қилган.

Унинг ўғилларидан уч нафари ҳақида маълумотлар мавжуд. Имомқулихон 1612–1613 йилларда Тошкентни эгаллагач, у ерга

ҳоким этиб биринчи ўғли Искандарни тайинлайди⁴. Имомқулихоннинг иккинчи ўғли – Пирмуҳаммад бўлиб, 1630/31 йилда Андижонга эга бўлиб олган Абулай султон томонидан ўлдирилган⁵. Унинг яна бир ўғли Баҳром мирзо бўлиб, у ҳақида маълумотлар жуда оз. Қизларидан Субҳонқулихон билан унаштирилган, бироқ унинг акаси Абдулазизхонга турмушга чиққан қизи ҳақида маълумот аниқланди, унинг исми номаълум (булар тақдири ҳақида қуйида тўхталиб ўтилади).

Имомқулихон аштархоний ҳукмдорлари орасида биринчи бор молу дунёдан кечиб, ҳаж сафари сари отланган ҳукмдор эди. У Маккага кетаётган вақтда Хўжандни Санжар исмли набираси бошқариб турганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁶. Имомқулихон ўғил ва набиралари бўлса ҳам, тахтни укаси Надир Муҳаммадга топширади. Давр таомилига кўра, тахт бошқарувига хонадон вакиллариининг ёши улуғи келиши керак бўлган.

IV. Надир Муҳаммадхон

Динмуҳаммадхоннинг иккинчи ўғли Надир Муҳаммадхон 1642–1645 йилларда Бухоро тахтини бошқарган. Унинг онаси сайидлар хонадонига мансуб Шаҳр Бону бегим деган аёл бўлган⁷. Шу сабабдан ҳам акаси Имомқулихон гарчи ёши катта бўлса ҳам, укаси Надир Муҳаммадга, унга доимо эҳтиром кўрсатган ва тахтни топширган. Фикримизча, Надир Муҳаммадхоннинг аёллари сони кўп бўлган. Чунки, Надир Муҳаммадхоннинг ўн икки ўғил фарзандлари бўлганлиги маълум⁸.

Хон ўғилларидан Абдулазиз султон, Хусрав султон, Баҳром султон, Субҳонқули султон, Қутлуғ Муҳаммад султон, Абдурахмон султон, Қосим Муҳаммад султон ва Оллоқули сул-

¹ Сухайл. Имомқулинома. // Қўлёзма. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фонди. № 89. 123^a–125^a вв.

² Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история... – С. 81.

³ Сангирова Д.Х. Сухайл. Имомқулинома. // Мозийдан садо. № 1.2008, – Б. 21–23.

⁴ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. 1 том. – Т.: Фан, 1966. – С. 112.

⁵ Кляшторный С.Г., Султанов Т.И. Государства и народы Евразийских степей: от древности к Новому. 2001. – С. 223.

⁶ Алексеев А.К. Политическая история... – С. 159.

⁷ Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история... – С. 99.

⁸ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений ... – С. 116.

тонлар¹ нинг номлари маълум. “Шажарайи турк” асарида Надир Муҳаммадхон ўғли Хусрав султоннинг фарзанди Қосим султон бўлганлиги ҳақида маълумотга эътибор қаратсак², Қосим Муҳаммад султон Надир Муҳаммадхоннинг ўғли эмас, невараси бўлиб чиқади. Бу маълумот анча ишонарли деб ҳисоблаймиз, чунки Абулғозихон Бухорода бир қанча муддат яшаб, сарой ҳаётига яқин бўлган эди.

Манбалардаги яна бир маълумотларга кўра, Субҳонқулихон хиваликларга қарши кураш олиб борган вақтда ўғли унга ёрдамга келмаган ва у кичик укалари Абдулғани султон ва Абулқосим султонлар билан яқинлашган³. Демак, бу шахзодалар ҳам Надир Муҳаммадхоннинг фарзандлари эканлиги равшан бўлади. Қизларидан фақатгина Шамсия бону хоним ҳақидаги маълумот учрайди⁴.

V. Абдулазизхон

1614 йили Бухорода туғилган, отасидан ҳокимиятни қаршилиқ билан тортиб олган Абдулазизхоннинг 40 йиллик (1645–1681) бошқарув даври зиддиятли кечди. Абдулазизхон ва Субҳонқули ўртасида душманлик кайфияти бўлиб, фақат ҳокимиятга даъвогарликдан ташқари улар ўртасида шахсий адоват ҳам мавжуд бўлган. Субҳонқулихон уйланиши лозим бўлган Имомқулихоннинг кизига Абдулазизхон уйланган ва бу улар ўртасидаги ихтилофли муносабатларга олиб келган бўлиб, кейинчалик бу муносабатлар ижобий томонга ўзгарган эди.

Абдулазизхоннинг фарзандлари ҳақида бирорта маълумот топилмади. “Тарихи Муқимхоний” асарида уни “жисмоний заифлик” эгилтирган эди⁵ деган маълумотга асосланиб, унинг фарзандлари бўлмаган бўлса керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Қариган чоғида фарзанди бўлмагани боис, тахтни укаси

Субҳонқулихонга топширишга мажбур бўлган. Етмиш тўрт ёшида вафот этгач, у Макка шаҳридаги Бакиъ қабристонига, ўз отаси ва амакиси қабри ёнига қўйилган⁶.

VI. Субҳонқулихон

Субҳонқулихон мамлакатни 1681–1702 йилларда бошқарган. Генеологик тадқиқотларда қўлланиладиган график усуллардан бири сфрагистика билан боғлиқ бўлиб, муҳрлар ўз эгасининг шажарасини аниқлаштиришда ёрдам беради. Шу жиҳатдан, Субҳонқулихонга тегишли муҳрларнинг бири муҳим график манба саналади. Бодом шаклида муҳрда марказий картуш теварагидаги еттита айлана картушларда унинг етти аждодининг номлари берилган. Марказий картушда “Субҳонқули Муҳаммад баҳодурхон 1092” деб ёзиб қўйилган⁷. Унинг атрофидаги картушларда “(1) ибн Надир Муҳаммадхон, (2) ибн Дин Муҳаммадхон, (3) ибн Жони Муҳаммадхон, (4) ибн Ёрмуҳаммадхон, (5) ибн Бағишловхон, (6) ибн Чувак Муҳаммадхон, (7) ибн Муҳаммадхон деган ёзувлар бор. Демак, мазкур муҳрнинг маълумотлари ҳокимиятни генеологик легитимлигини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Субҳонқулихон даврида Балх масаласи кескин масалага айланган. Ўғил фарзандларининг кўплиги, уларнинг валиаҳд сифатида Балхга ҳукмдор этиб тайинланиши⁸ туфайли кескинлашган вазият шахзодаларнинг бирин кетин қурбон бўлишига олиб келган эди. Субҳонқулихоннинг ўғиллари: Искандар султон⁹ (йигирма саккиз йил умр кўрган¹⁰), Ибодулло султон, Абулмансур султон (Пайшанба куни хижрий 1094 сана жумадул ав-

¹ Алексеев А.К. Политическая история... – С. 158–160.

² Абулғозий. Шажарайи турк. (Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А.Аҳмедов). – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 179.

³ Алексеев А.К. Политическая история... – С. 220.

⁴ Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история... – С. 161.

⁵ Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история... – С. 104.

⁶ Там же. – С. 113.

⁷ Курбанов Г. Н. Бухарские печати XVIII–XX вв. (Каталоги). – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 246.

⁸ 1683 йили – Искандар султон, 1684 – йили Ибодулло султон, Абулмансур султон, 1685 – Сиддик Муҳаммад султон, 1707 – Муҳаммад Муқим султон.

⁹ Аёли Қосим Муҳаммад султоннинг кизи Раҳима бону хоним, уларнинг ўғли Балх ҳокими бўлган Абдулмузаффар Муҳаммад Муқимхон

¹⁰ Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқим-ханская история... – С. 118.

киши бўлган. Адабиётлардан маълумки, у Бухоронинг Ханкар туманида ер ишлари билан шуғулланган. Манғитлардан Шохмурод хукмронлиги даврида Абулғози оталиқ лавозимида бўлган. Дониёлбийнинг вафотидан кейин Абулғозининг мавкеи тушиб кетди. Абулғози 1801/1802 йилларда вафот этган. Шу билан аштархонийлар сулоласи барҳам топиб, янги манғитлар сулоласи ҳокимиятни расман ўз кўлига олган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Шажара тарихини ўрганиш – инсоннинг феъл атвори , ҳатти ҳаракати ва қарашлари оламини ўрганишга хизмат қилиб, тарихда шахсларнинг ўрнини кўрсатиб беради.

Бухоро хонлиги бошқарувида бир ярим аср
хукмронлик қилган аштархонийлар сулоласи

вакиллари тарихини генеологик нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Аштархонийлар сулоласи вакилларининг 60 га яқин тарихий шахслари номлари аниқланди ҳамда шажара жадвали тузилди. Шажара жадвалида илк бора аёллар номлари келтирилди.

Тадқиқот жараёнида Чингизийлар сулоласига мансуб Аштархонийларнинг ҳокимиятни эгаллаш, легитимлаш ва сақлаб қолишга интилиши узвий никоҳ ришталари орқали амалга оширилганлиги намоён бўлди. Айнан мана шундай жараён Бухоро хонлиги тарихида ҳокимият бошқарувининг Аштархонийлардан Манғитлар қўлига ўтишда ҳам кузатилади.

Тарихда шахсларнинг роли муҳим, шу жихатдан тарихни давр иштироклари асосида яратиш, улар персонографиясига доир маълумотларни ўрганиш тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини очиш имконини беради.

